

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2024 йил декабрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди, очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик қилувчи судья А.Алимов,

судья ёрдамчиси Ҳ.Абдубоқиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд транспорт прокурорининг ёрдамчиси М.Жураев, судланувчи Х.Хамраев ва унинг ҳимоячиси адвокат Ж.Амриддинов, фуқаровий даъвогар С.Халимовнинг иштирокида, Хамраев Худайберди Абдирашидовичга нисбатан 1-1401-2408/1102-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хамраев Худайберди Абдирашидович (Хамраев Худайберди Абдирашидович), 02.10.1957 йил Пахтачи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, “ULMAS” оилавий корхонасига қарашли божхона омбори мудир, оилали, 4 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, Пахтачи тумани, “Фай” м.ф.й.да истиқомат қилувчи, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлларилган, айблов хулосаси нусхасини 05.11.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192¹¹-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хамраев Худайберди Абдирашидович, Пахтачи туманида жойлашган “ULMAS” оилавий корхонасига қарашли божхона омбори мудир бўла туриб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 09 апрелдаги “Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 210-сонли Қарорининг 15-бандида “Божхона омбори ҳудуди божхона назорати зонаси ҳисобланиши”, 30-бандига кўра эса, лицензиат (божхона омбори фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахс) “божхона органларининг рухсатсиз божхона омборига келиб тушган товарларнинг чиқарилиб юборилишига йўл қўймаслик” деб кўрсатилиб ўтган талаб ва шартларни менсимасдан, 26.06.2024 йилда “ULMAS” оилавий корхонасига қарашли божхона омборига етиб келган ва 27.08.2024 йилда 18007/27.08.2024/0022071-рақамли божхона юк декларацияси билан “Божхона омбори” (ИМ-74) божхона режимига расмийлаштирилган,



Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тухтаев Рустам Джамшедович номига БАА давлатидан олиб келинган қиймати 19.000 АҚШ долларига тенг бўлган 1 дона “автомобиль легкой, марки: “MERCEDEN-BENZ GLS 450”, модель 2024 года, мод. кузов: X167, Тип авто: SUV/Кроссовер, пост. мест:7” товaрини божхона органининг рухсатисиз чиқариб юборган.

Натижада, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 18007/27.08.2024/0022071-рақамли БЮД билан “Божхона омбори” божхона режимига расмийлаштирилган автотранспорт воситаси учун жами 434,4 млн. сўм (божхона расмийлаштируви учун йиғим 2.720.000 сўм, божхона божи 208.832.309,68 сўм, қўшилган қиймат солиғи 161.619.728,96 сўм ва утилизация йиғими 61.200.000 сўм) божхона тўловлари тўланмасдан қолиб кетган.

Судланувчи Хамраев Худайберди Абдирашидович суд мажлисида, айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, “2019 йил 01 февраль кунидан ҳозирги кунга қадар Самарқанд шаҳар Миршарипов кўчаси 7а-уй манзилида жойлашган “ULMAS” оилавий корхонасига қарашли божхона омбори мудирини вазифасида ишлаб келаётганлиги, хизмат вазифаларига, вақтинчалик сақлаш божхона режими ва божхона омбори божхона режими шартларига мувофиқ товарлар божхона назорати остида сақланишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш, божхона органининг рухсатисиз божхона омборига келиб тушган товарларнинг чиқариб юборилишига йўл қўймаслик, берилган лицензия шартларига, шу жумладан божхона омборини жиҳозлаш ва уни асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабларига оид қисмига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ божхона тўловларини тўланишини таъминлаш, божхона омборига расмийлаштирилган товарларни фақат божхона омбори сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган очиқ майдончаларда ва биноларда сақлаш, божхона омборига келиб тушаётган ва божхона омборидан олиб чиқилаётган товарлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитасининг ахборот тизимида ушбу товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисида белги қўйган ҳолда, автоматлаштирилган ҳисобни юритиш, божхона органининг талабига мувофиқ божхона омборидаги товарларни божхона органининг мансабдор шахси иштирокида хатловдан ўтказиш, божхона омборида сақланаётган товарлар билан амалга оширилиши мўлжалланаётган операциялар тўғрисида божхона органини барвақт хабардор қилиш, Ўзбекистон Республикаси Божхона органининг қонуний талабларини бажариш, шу жумладан божхона органлари мансабдор шахсларининг божхона омборида сақланаётган товарлар турган жойга киришини таъминлаш, божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун божхона омборидаги жиҳозланган бинолар ва алоқа воситаларини божхона органи ходимларига бепул тақдим этиш ва бошқалар киришлиги, 2024 йил 11 сентябрь куни Самарқанд вилоят Божхона бошқармасининг “Улуғбек” ТИФ божхона пости ходимлари томонидан, Самарқанд шаҳрида жойлашган мен омбор мудирини сифатида фаолият олиб бораётган “ULMAS” оилавий корхонасига қарашли божхона омборида “Божхона омбори” ва “Вақтинча сақлаш” божхона режимларига расмийлаштирилган товар ва транспорт воситаларининг сақланиш шартлари ва тартибига риоя қилинганлиги, ўрганиш давомида, “ULMAS” оилавий корхонасига



қарашли божхона омбори ҳудудида 18007/27.08.2024/0022071-рақамли божхона юк декларацияси билан “Божхона омбори” (ИМ-74) божхона режимига расмийлаштирилган, божхона назорати остида турган қиймати 19 000 минг АҚШ долларига тенг бўлган 1 дона “автомобиль легкой, марки: “MERCEDES-BENZ GLS 450”, модель 2024 года, мод. кузов: X167, Тип авто: SUV/Кроссовер, пост. мест:7” транспорт воситасини Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги “Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 210-сонли Қарори талабларига зид равишда божхона органи ходимларини хабардор қилмасдан божхона омбори ҳудудидан олиб чиқиб юборганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан ҳужжатлар процессуал тартибда расмийлаштирилганлиги, ҳозирги кунда, мазкур автотранспорт учун божхона тўловлари тўлиқ тўлаб берилганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлиги ҳақида баён қилиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гарчанд, судланувчи Х.Хамраев айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлсада, унинг айби қуйидаги объектив далиллар билан ўз исботини топган.

Жумладан, фуқаровий даъвогар Халимов Садриддин Илхомович суд мажлисида, ҳозирда Самарқанд вилоят Божхона бошқармасида бош юристконсулт вазифасини бажарувчи бўлиб ишлашини, фуқаро Тухтаев Рустам Джамшедовичнинг номига БАА давлатидан юк кузатув ҳужжатларига асосан қиймати 19 000 минг АҚШ долларига тенг бўлган 1 дона “автомобиль легкой, марки: “MERCEDES-BENZ GLS 450”, модель 2024 года, мод. кузов: X167, Тип авто: SUV/Кроссовер, пост. мест:7” товари 26.06.2024 йилда Самарқанд шаҳридаги “Ulmas” оилавий корхонасига қарашли божхона омборига етиб келганлиги, 27.08.2024 йилда 18007/27.08.2024/0022071-рақамли божхона юк декларацияси билан “Божхона омбори” (ИМ-74) божхона режимига расмийлаштирилганлиги, 2024 йил 11 сентябрь куни “Улуғбек” ТИФ божхона пости ходимлари томонидан “Ulmas” оилавий корхонасига қарашли божхона омборида сақланиши лозим бўлган “MERCEDES-BENZ GLS 450” русумли автотранспорт воситасининг мавжудлиги ўрганилганда, Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 434,4 млн. сўм божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаган ҳолда мазкур автотранспорт воситаси омбор мудири Хамраев Худойберди Абдирашидович томонидан, божхона органининг рухсатисиз чиқариб юборилганлиги аниқланиб, процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги “Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 210-сонли Қарорининг 15-бандида “Божхона омбори ҳудуди божхона назорати зонаси ҳисобланиши”, 30-бандига кўра эса, лицензиат (божхона омбори фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахс) “божхона органларининг рухсатисиз божхона омборига келиб тушган товарларнинг чиқарилиб



юборилишига йўл қўймаслик” ҳақидаги талаб ва шартлар белгиланганлиги, бошқарманинг божхона тўловлари ва статистика бўлимининг 18.09.2024 йилдаги 7-684868/24-сонли билдиргисига кўра, 18007/27.08.2024/0022071-рақамли БЮД билан “Божхона омбори” божхона режимига расмийлаштирилган автотранспорт воситаси учун жами 434,4 млн. сўм (божхона расмийлаштируви учун йиғим 2 720 000 сўм, божхона божи 208 832 309,68 сўм, қўшилган қиймат солиғи 161 619 728,96 сўм ва утилизация йиғими 61 200 000 сўм) божхона тўловлари ҳисобланганлиги маълум қилинганлиги, ҳозирги кунда, автотранспорт воситаси учун тўланиши керак бўлган жами 434,4 млн. сўм миқдоридagi пул маблағлари тўлаб берилганлиги сабабли ҳеч кимга эътирозимиз йўқлиги ҳақида баён қилиб, судланувчи Х.Хамраевга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Хамраевнинг айби иш ҳужжатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг билдиргилари, Божхона кўриги далолатномаси, “ULMAS” ОК божхона омборида сақланиб турган товарларни инвентаризациядан ўтказиш тўғрисида далолатнома, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомалари, ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи Х.Хамраевнинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Х.Хамраевнинг “мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши, яъни нодавлат тижорат ташиқилоти ёки бошқа нодавлат ташиқилоти мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказиши”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192¹¹-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 16-сонли қарорининг 6-бандига биноан, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини асослатган ҳақиқатга олишлари зарур.



Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Суд, судланувчи Х.Хамраевга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд судланувчи Х.Хамраевга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак”лиги, қарорнинг 15-бандидаги “Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим. Жарима тариқасидаги жазо тайинлаш ва миқдорини белгилашда, одатда унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозим”лиги, 37-бандидаги “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Х.Хамраевнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарнинг бартарф қилганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганлигини, унинг ёшини, моддий аҳволини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 192¹¹-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам кам жарима жазо турини тайинлашни ҳамда жарима миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талабларидан келиб чиқиб жарима жазосининг жиноят содир қилинган вақтдаги амалда бўлган базавий ҳисоблаш (340.000) миқдоридан келиб чиқиб белгилашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган



муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд, манфаатдор томонларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Суд, ашёвий ва ёзма далиллар масаласини муҳокама қилиб, жиноят иши бўйича бирон-бир ашё, нарса, буюм ва ҳужжатнинг ашёвий ва ёзма далил деб топилмаганлигини сифатида эътироф этади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Самарқанд транспорт прокурорининг айбига иқдорлик тўғрисидаги келишув битими тасдиқлансин.

Судланувчи Хамраев Худайберди Абдирашидович (Хамраев Худайберди Абдирашидович) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192¹¹-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192¹¹-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари миқдорида, 10.200.000 (ўн миллион икки юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин ва давлат фойдасига ундирилсин.

Х.Хамраевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.Алимов

Нусхаси аслига тўғри, судья:_____

